


“Ер тузишни лойихалаш” фанидан «Кириш. I боб. Ер тузишни лойихалашнинг услубий масалалари» мавзусидаги кириш маъруза таълим технологияси модели

Вақт 2 соат	Талабалар сони 20
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Кириш маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	Кириш. Ер тузишни лойихалашнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши
<i>Ўқув машғулот мақсади</i>	“Ер тузишни лойихалашнинг услубий масалалари” тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш
<i>Педагогик вазиятлар</i> 1. Ер тузишни лойихалашнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида тушунча беради	<i>Ўқув фаолияти натижалари</i> 1. Ер тузишни лойихалашнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақида тушунча ва тасаввурга эга бўладилар
<i>Таълим усуллари</i>	маъруза, ақлий ҳужум, мунозара
<i>Таълимни шакллантириш шакли</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	маъруза матни, компьютер (проектор) слайдлар
<i>Таълим бериш шароити</i>	Техник воситалар билан жиҳозланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров: тезкор сўров

“Ер тузишни лойихалаш” фанидан «Кириш. I боб. Ер тузишни лойихалашнинг услубий масалалари» мавзусидаги кириш маъруза технологик харитаси

Иш босқичлари	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	<p>Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот кириш маъруза шаклида олиб борилиши маълум қилинади. Экранга фаннинг тузилмаси чизмаси (№1 илова) чиқарилади, мавзуларнинг ўзаро алоқасини ёритилади, уларга қисқача тавсиф берилади, фан миқёсида бажариладиган услубий ва ташкилий ишлар хусусиятлари тушунтирилади.</p> <p>Рейтинг-назорат тизими, жорий, оралиқ ва якуний назоратни баҳолаш мезонлари (2 илова)</p> <p>Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади.</p> <p>Ақлий хужум усули бўйича ушбу мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни айтишни таклиф этади (3 илова)</p>	<p>Тинглайдилар ва ёзиб оладилар</p>
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	<p>2.1. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (4 илова). Жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2.2. Мавзу режаларига хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари эслатилади.</p> <p>2.3. Тезкор сўров ўтказилади. (5 илова)</p>	<p>Тинглайдилар, дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Асосий тушунчаларни муҳокама қиладилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

Ер тузишни лойиҳалаш фанининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги



Ер тузишни
лойихалаш турлари

Хўжаликлараро
ер тузиш

Хўжаликда ички
ер тузиш

к/х ер эгаликлари ва ердан
фойдаланувчиларни ташкил
этиш ва тартибга солиш

Ноқишлоқ хўжалик ердан
фойдаланишларини
ташкил этиш

ЕТЛ фанидан 5 даврада ўтиладиган мавзулар

№	мавзулар	Мавзуларга ажратилган соат
1	Ер тузишни лойиҳалашнинг услубий масалалари	4
2	Ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари	4
3	Хўжаликлараро ер тузиш тушунчаси, вазифалари ва мазмуни	4
4	Хўжаликлараро ер тузиш жараёни ва уни ўтказишнинг асослари	2
5	Қишлоқ хўжалиги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш	4

РЕЙТИНГ НАЗОРАТ ТИЗИМИ (2 илова)

Назорат турлари	балл	саралаш бали
Жорий назорат 1- ЖН (амалий машғулотда берилган топшириқларни бажарилиши)	20	11
Жорий назорат 2- ЖН (амалий машғулотда берилган топшириқларни бажарилиши)	20	11
Оралиқ назорат 1-ОН (ёзма иш ёки тест тарзида олинади)	20	11
Оралиқ назорат 2-ОН (берилган мустақил ишни бажарилиши натижасида баҳоланади)	10	6
Якуний назорат (ёзма иш ёки тест тарзида олинади)	30	0-30

Мустақил иш мавзулари

- 1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси».
- 2. Хўжаликлараро ер тузиш жараёни ва уни ўтказишнинг асослари
- 3. Қишлоқ хўжалик ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш ва тартибга солиш.

Адабиётлар

- 1. Аvezбаев С , Волков С.Н. Ер тузишни лойиҳалаш. - Т.: «Янги аср авлоди», 2004. – 786 б.
- 2. Avezbaev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash. - Т.: “Faylasuflar milliy jamiyati”, 2007. – 470 b.
- 3. S.Avezbaev, T.Karabayeva. Yer tuzish. - Т.:ТДАУ, 2005. – 305 б.
- 4. Землеустроительное проектирование. Под.ред. проф. С.Н.Волкова. - М.: «Колос», 1997. – 608 б.

• Қўшимча

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Т.: Адолат, 1999.
- 2. [www. Ziyo. net](http://www.Ziyo.net)
- 2. [http:www. guz. Ru](http://www.guz.Ru)

3 илова

1. Ер тузиш нима?
2. Ер тузишнинг қандай турларини биласиз?
3. Ер фонди қандай тоифаларга бўлинади?
4. Ер тузишни лойиҳалаш қачон пайдо бўлган?

МАВЗУ: КИРИШ. I боб. ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Режа



**1. Ер тузишни лойиҳалашнинг пайдо бўлиши ва
ривожланиши**

Кириш

Республикамиз ер ресурслари 44 млн 410 минг 300 гектарни ташкил этади. Шундан 46,12% қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардир. Суғориладиган ерлар Республикамиз ер фондининг атиги (**4312,2минг га**) 9,71% ташкил этади.

Ер фондидан фойдаланишни бошқариш ва назорат қилиш, ер муносабатларини такомиллаштириш, умуман давлатимизнинг аграр сиёсатини амалга ошириш давлат ер тузиш хизмати томонидан амалга оширилади. Ер тузиш Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" асосида олиб борилади

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ер тузиш ишлари халқ хўжалиги тармоқларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтказилиб, янги ерларни суғориш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига кўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилгандир.

Жамиятнинг ердан фойдаланишни ташкил қилишнинг самарали усуллари топиш йўлидаги изланишлари ер тузиш фанининг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлди.

1. Ер тузишни лойиҳалашнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Ер жамият ривожланишининг қадимий даврларидан бошлаб, ер муносабатларининг моддий асоси ва мулкчиликнинг асосий манбаи вазифасини бажариб келмоқда.

Ер тузиш ишларининг, айниқса уларнинг техник ва иқтисодий томонларининг мураккаблашиши махсус ер тузиш лойиҳаларини ишлашни тақоза эта бошлади. Бу лойиҳаларда ерларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва ташкил этиш масалалари чуқур таҳлил қилиниб, асосланиб ва зарур ҳисоблашлар, чизмалар, планлар ва хариталар билан тасдиқлана бошлади.

Ер тузишни лойиҳалаш махсус фан сифатида 1925 йилдан бошлаб ажралиб чиқди. 1921-1929 й. катта аниқликда, асосан аналитик йўл билан, деҳқон жамоалари ва якка хўжаликларига ер ажратиш ишлари олиб борилди. Ер тузишни лойиҳалаш ишлари асосан ер майдонларини математика ва геодезия усуллари ёрдамида тақсимлашга ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни тайёрлашга қаратилди. Ердан фойдаланишнинг иқтисодий томонларига эса унча эътибор берилмади.

1929-1935 й. даврида ер тузиш ишлари колхоз ва совхозларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлиб, асосий эътибор уларнинг ер майдонларини барпо қилишга қаратилди.

Ерларни қишлоқ хўжалик корхоналарига абадий фойдаланишга бериш, колхоз ва совхозларни ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш даврида (1935-1949 й.), 1935 й. феврал ойида қишлоқ хўжалик артелининг (колхознинг) "Намунавий низоми" (устави) қабул қилинди. Бу ҳужжатга асосан қишлоқ хўжалиги артелларига ер абадий ва текин фойдаланишга Давлат акти (далолатномаси) берилди.

Колхозларни ва совхозларни йириклаштириш даврида (1950-1954 й.) кичик колхозлар ва совхозлар йириклаштирилиши билан боғлиқ бўлган ер тузиш ишлари олиб борилди.

Чўлларни ўзлаштириш ва янги совхозларни ташкил қилиш даврида (1954-1984 й.) Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Шеробод чўллари ва бошқа кўплаб чўл ва бўз ерлар ўзлаштирилди.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва тармоқларни йириклаштириш, хўжаликлараро бирлашмалар, агросаноат бирлашмаларини ташкил қилиш даври (1985-1991 й.)

1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ер кодекси" олиб борилаётган аграр ислохотнинг негизини ташкил этувчи ер ислохотининг ҳуқуқий асосини яратди.

МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Ер тузишни лойиҳалашнинг услубий масалалари.
2. Ер тузишни лойиҳалаш фанининг предмети, усуллари, тамойиллари.
3. Ер тузишни лойиҳалаш технологияси ва усуллари. Ер тузишни лойиҳалаш тизими, лойиҳалаш босқичлари.
4. Ер тузиш лойиҳалари классификацияси. Лойиҳа ҳужжатлари
5. Лойиҳалаш технологияси асослари. Лойиҳалашни ташкил этиш.
6. Ер ислоҳати ва ер тузишни лойиҳалашнинг янги вазифалари.
7. Хўжаликлараро ер тузишнинг иқтисодий моҳияти, тушунчаси, вазифалари ва мазмуни.
8. Ер фонди, унинг таркиби ва фойдаланилиши.
9. Хўжаликлараро ер тузишнинг вазифалари ва мазмуни
10. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаш учун тайёргарлик ишларини бажариш.
11. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини ишлаб чиқиш.
12. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.
13. Хўжаликлараро ер тузиш жараёни ва уни ўтказишнинг асослари.
14. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва ер эгаликлари чегарасини расмийлаштириш.
15. Хўжаликлараро ер тузиш лойиҳасини расмийлаштириш, ерга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат актини тайёрлаш ва топшириш.
16. Қишлоқ хўжалиги ер эгаликлари ва ердан фойдаланишларини ташкил этиш ва тартибга солиш.
17. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ер эгаликларини (ердан фойдаланишларини) ташкил этишнинг тамойиллари
18. Ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни ташкил этиш.
19. Фермер хўжаликларида хўжаликлараро ер тузишнинг хусусиятлари.
20. Мавжуд ер эгаликларини ва ердан фойдаланишларни тартибга солиш.

ҚЎШИМЧА МАВЗУЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси».
2. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисидаги» қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 март.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни.
8. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини фуқороларга узоқ муддатли ижарага бериш тартиби.
9. Ўзбекистон Республикасида Ер тузишнинг Асосий Низоми.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011 й. N 146. Шаҳар-созлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳти-ёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 25.05.2011 й. N 147. Тадбир-корлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5-октябрдаги “Фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3077-сонли фармойиши.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 18-октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3512-сонли фармойиши.